АҚШ ТАРИФ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИ

[1]А.А.Бобожонов, [2]С.А.Раҳимов, [3]С.А.Райимова
[1]Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
марказ бошлиғи, мустақил тадқиқотчи, [2]Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
ходими, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), [3]Ўзбекистон Республикаси
Божхона қўмитаси ходимаси, магистрант
https://doi.org/10.5281/zenodo.15321820

Аннотация. *Давлатлар ташқи сиёсатида иқтисодий интеграция жараёнлари муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, иқтисодий жиҳатдан бошқа давлатларга боғлиқлик (гарчи боғланмаслик имконсиз бўлсада) ҳаттоки дунёнинг энг ривожланган давлатларини ҳам кутилмаган ўзгаришлар таъсирида турли қийинчиликларга дуч келиши мумкинлигини коронавирус пандемиясидан сўнг АҚШнинг 2025 йил апрель ойида эълон қилган "Иқтисодий мустақиллик декларацияси" яна бир бор халқаро ҳамжамиятга кўрсатиб қўйди. Бу ўринда, Хитой, Европа Иттифоқи мамлакатлари каби жаҳон бозори гигантларининг иқтисодиётида юзага келиши прогноз қилинаётган ўзгаришларни миллий иқтисодиётга таъсирини баҳолаш бугуннинг пировард муаммоларидан бири саналади.*

Ушбу мақолада халқаро савдода АҚШ томонидан қўлланилаётган янги бож тарифларининг иқтисодиёт, ишсизлик, транспорт-логистика, ишлаб чиқариш ҳамда монетар тизимга таъсири натижасида юзага келадиган молиявий хавфсизликка таҳдидларнинг Ўзбекистонга таъсири ўрганилган бўлиб, муаммонинг долзарблиги ва муҳимлиги билан иқтисодий хавфсизлик таъминлашда амалга оширилиши лозим бўлган дастлабки зарурий чораларни ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: *тариф сиёсати, иқтисодий хавфсизлик, молиявий хавфсизлик, монетар сиёсат, халқаро савдо, тарифлар уруши, прогноз, секьюритизация, протекционизм, Иқтисодий мустақиллик декларацияси.*

Аннотация. *Процессы экономической интеграции имеют большое значение во внешней политике государств. Также «Декларация экономической независимости», провозглашенная США в апреле 2025 года после пандемии коронавируса, в очередной раз продемонстрировала мировому сообществу, что экономическая зависимость от других стран (хотя не быть зависимым невозможно) может привести к тому, что даже самые развитые страны мира столкнутся с различными трудностями под влиянием неожиданных изменений. На данном этапе одной из важнейших проблем сегодня является оценка влияния прогнозируемых изменений в экономике таких гигантов мирового рынка, как Китай и страны ЕС, на национальную экономику.*

В статье рассматривается влияние новых тарифов США на международную торговлю на экономику, безработицу, транспорт и логистику, производство и денежно-кредитную систему, а также влияние угроз финансовой безопасности на Узбекистан. Учитывая актуальность и важность проблемы, даны рекомендации по разработке первоочередных необходимых мер по обеспечению экономической безопасности.

Ключевые слова: *тарифная политика, экономическая безопасность, финансовая безопасность, денежно-кредитная политика, международная торговля, тарифная война, прогнозирование, секьюритизация, протекционизм, Декларация экономической независимости.*

Abstract. *The processes of economic integration are of great importance in the foreign policy of states. Also, the 'Declaration of Economic Independence' proclaimed by the USA in April 2025 after the coronavirus pandemic once again demonstrated to the world community that economic dependence on other countries (although it is impossible not to be dependent) can lead to the fact that even the most developed countries of the world will face various difficulties under the influence of unexpected changes. At this stage, one of the most important problems today is to assess the impact of the predicted changes in the economies of global market giants such as China and EU countries on national economies.*

The article considers the impact of new US tariffs on international trade on the economy, unemployment, transport and logistics, production and monetary system, as well as the impact of threats to financial security on Uzbekistan. Taking into account the relevance and importance of the problem, recommendations for the development of priority necessary measures to ensure economic security are given.

Keywords: *tariff policy, economic security, financial security, monetary policy, international trade, tariff war, forecasting, securitisation, protectionism, Declaration of Economic Independence*

Кириш

Сўнгги кунларда АҚШ томонидан юритилаётган кескин протекционизм сиёсати натижасида барча давлатларнинг иқтисодий ривожланиш бўйича прогнозлари кутилмаган таҳдидга дуч келди. Бу каби кескин иқтисодий сиёсат Қўшма штатлари тарихида биринчиси бўлмасада, коронавирус пандемиясидан сўнг оёққа тураётган дунё иқтисодиёти учун катта туртки бўлди.

Ўзбекистоннинг денгизга чиқиш имкони чекланган (double-locked) давлат эканлигини инобатга оладиган бўлсак, мазкур тарифлар фонида халқаро бозорда юзага келадиган ўзгаришларни олдиндан прогноз қилиш ва таҳдидларнинг энг кам зарар келтиришига иқтисодиётни тайёрлаш бўйича муҳим чора-тадбирларни белгилаш бугуннинг долзарб муаммоси ҳисобланади. АҚШ Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари қаторига кирмасада, мазкур ҳолатда бошқа давлатлар иқтисодиётида юз берадиган ўзгаришларнинг таъсирини баҳолаб чиқиш лозим.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммоси Ўзбекистондаги юқори хуфиёна иқтисодиёт кўрсаткичи мавжудлиги, шунингдек Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш билан боғлиқ тартиботлар натижасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бюджет билан боғлиқ таъсири шароитида доимий равишда пировард масалалигини сақлаб қолаётганлигини инобатга олинса, АҚШ томонидан киритилган тарифлар натижасида таҳлилчилар прогноз қилаётган халқаро даражадаги инфляциянинг ортишини салбий таъсирини юмшатиш билан боғлиқ жараёнлар молиявий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартларидан бирига айланиши табиий.

Ушбу мақолада, АҚШ томонидан киритилган тарифларнинг халқаро савдога таъсирини изоҳлаш орқали Ўзбекистоннинг кейинги 5 йилликдаги молиявий

хавфсизлигини таъминлаш орқали иқтисодий хавфсизликни таъминлашга эришиш имкониятлари интернет манбалари ва тадқиқотчилар ҳисоботлари орқали ўрганилган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда асосан таҳлилнинг статистик, қиёсий, контент ва ивент таҳлил каби умумий ва SWOT, воқеаларнинг ривожланиш тенденциялари, прогнозлар бериш каби хусусий усулларидан кенг қўлланилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мазкур тадқиқот ишида тариф сиёсати деганда давлатнинг бож ва бошқа турдаги солиқлар билан товарларнинг экспорт ва импорти жараёнларини бошқариши назарда тутилган. Тариф сиёсати – давлатнинг товарлар ҳаракатини тартибга солиш учун қўллайдиган воситаси бўлиб, у ўз ичига солиқлар ва бошқа турдаги йиғимларни олади [1].

Давлатларнинг тариф сиёсатлари турлича бўлиб, уларни ягона бир тартибга келтириш масаласи тадқиқотчилар ва илмий марказлар томонидан доимий равишда ўрганиб келинган. Хусусан, тадқиқотчи С.Невил тарифлар давлатлар иқтисодиётида муҳим рол ўйнайдиган иқтисодий қурол деб ҳисоблайди [2].

Бундан ташқари, Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти, Европа Иттифоқи каби нуфузли ташкилот ва жамиятлар томонидан ушбу масалага иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида қаралган.

Шунингдек, молиявий хавфсизлик тушунчаси иқтисодий хавфсизлик тизимининг тизим ости элементларидан бири ҳисоблансада, моҳиятан унинг ўзи алоҳида бир бутун тизим деб изоҳланади.

Хусусан, тадқиқотчи Evelyn Waugh шахсга нисбатан молиявий хавфсизлик тушунчасига унинг ўз харажатларини қоплай олиш ва келажак учун бир қисм маблағларини тежаб қолиш имкониятининг мавжудлиги сифатида таъриф берган [3].

Давлат миқёсида молиявий хавфсизликни мамлакатнинг молиявий (монетар, пул-кредит) соҳадаги миллий манфаатларини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати деб изоҳлаш мумкин.

Лекин, тадқиқотчилар томонидан айнан бир мамлакатдаги тариф сиёсатидаги ўзгаришларнинг бошқа бир давлат молиявий хавфсизлигига таъсири ўрганилмаганлиги тадқиқотнинг долзарблигини таъминлайди.

Асосий қисм

1. Халқаро савдога АҚШ тариф сиёсатидаги ўзгаришларнинг таъсири ва кутилаётган ўзгаришлар

АҚШ 29,2 трлн доллари[1] миқдоридаги номинал ЯИМ билан дунёдаги биринчи рақамли иқтисодиётга эга давлати ҳисобланади. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми 86 601,28 доллардан тўғри келади. Ушбу давлат ташқи савдоси ва уни тартибга солиш қонунчилиги нисбатан ўзгарувчан характерга эга бўлиб, АҚШ томонидан 2016 йилга қадар қадар товарлар учун божлар уларнинг келиб чиқиш мамлакати, савдо шартномаси ва маҳсулотнинг турига қараб дифференциал тарзда белгиланган. Лекин, 2016 йилги Доналд

[1] Интернет маълумотлари: https://finance.mail.ru/guide/top-ehkonomik-mira-322/#a02

Трампнинг биринчи президентлик даврида ушбу тариф сиёсатида бир қатор ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, айрим давлатларга нисбатан юқори бож тарифлари қўлланила бошлади.

Таъкидлаш жоизки, 2020-2024 йилларда АҚШни Байден бошқарган давр нисбатан иқтисодий ўзгаришлар учун "турғун" давр бўлди ва бож тарифлари ўзгартирилмади. Шу сабабли, АҚШ ташқи савдо дефицити ҳажми 2024 йилга келиб 1,1 трлн АҚШ долларини ташкил этди.

Шу ўринда, савдо дефицити тушунчаси мамлакатнинг импорти ҳажми экспорт ҳажмидан паст бўлишини англатади. Бу ҳолатнинг юқори бўлиши мамлакат валютасининг девалвациясини, иқтисодий муаммолари ва ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги пастлигини келтириб чиқарувчи омилларга сабабчи бўлади.

Шу сабабли, иккинчи марта президентликка сайланиб 2024 йил охирида ҳокимиятга қайтган Доналд Трамп томонидан 2025 йил 2 апрлель куни дунёнинг 185 та давлати ва ҳудуди учун товарлар импортига янги тарифлар белгиланди. АҚШ Президенти Д.Трамп томонидан тарифларнинг қўйилиши контрагент давлатлар импорт ҳажмини камайтириб, кўпроқ ушбу давлатга товарларини экспорт қилаётганлиги яъни савдо дефицити сабаб қилиб кўрсатилди.

Янгиланган тарифлар рўйхатига кўра, 160 дан ортиқ давлатлар, шу жумладан Марказий Осиё давлатларидан Ўзбекистон учун 10 фоиз миқдорида импорт божи кучга кирди. Шунингдек, 9 апрелдан кучга кирган 20 фоиздан ошувчи божлар 27 та давлат учун назарда тутилган бўлиб, улар орасида Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларидан Хитой Халқ Республикаси (145 фоиз), Жанубий Корея (25 фоиз) ва Қозоғистонни (27 фоиз) учратиш мумкин. Ушбу кўтарилган бож тарифлари 3 ойга тўхтатилган бўлиб, ҳозирда уларга ҳам 10 фоиз миқдоридаги тариф қўлланилмоқда.

Шу ўринда, АҚШ томонидан назарда тутилаётган тарифлар асосан божхона божлари ва товарларни импортида ундириладиган солиқларни англатади. Ушбу божларнинг 3 та тури мавжуд:

Биринчи тур – адвалор ставка бўлиб, товарнинг божхона қийматидан фоизларда ундирилади. Президент Трамп томонидан назарда тутилган божлар айнан ушбу турган мансуб.

Иккинчи тур – товарнинг оғирлиги ва миқдоридан келиб чиқиб белгиланувчи специфик ставка.

Учинчи тур эса – аралаш ставка ўз ичига ҳам адвалор ва специфик ставкаларни олади.

Лекин, АҚШнинг "Иқтисодий мустақиллик декларацияси" айрим турдаги товарлар импорти учун қайси давлатда ишлаб чиқарилганидан қатъий назар "0" қийматли бож қўлланилишини сақлаб қолган. Ушбу товарларга нефть хом-ашёси ва энергия ресурслари, шунингдек, микроэлектроника товарлари (микрочип, ярим ўтказгич, литий, камёб қазилмалар ва бошқалар), айрим турдаги дори воситалари киради.

АҚШ расмий манбаларига кўра, қўлланилган божлар натижасида келиб тушаётган даромадлар 3,5 млрд АҚШ долларини ташкил этмоқда. Шунингдек, ушбу божлар таъсирида 2025 йилги халқаро товар айланмаси ҳажми 1 фоизга қисқариши тахмин қилинмоқда.

Шу ўринда табиий савол туғилади, киритилган тарифлар Ўзбекистон учун қандай таъсир ўтказиши мумкин агар икки давлат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси ҳажми юқори бўлмаса?

Божхона қўмитаси маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2024 йилда Ўзбекистоннинг АҚШ билан ташқи савдо айланмаси 881,7 млн долларни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2023 йилдаги 765 млн долларга нисбатан 15 фоизга ортганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, ташқи савдо айланмасидаги хизматларни чиқариб юбориш эвазига бож тарифлари таъсир қилиши мумкин бўлган айнан товарлар экспорти ва импорти 592 млн долларни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 25 фоизга ошган. Бунда, АҚШга экспорт 317 млн доллар ташкил этган бўлиб, Ўзбекистон умумий экспортининг 1,6 фоиз улушига тенг. Ўзбекистондан экспорт қилинган товарларга асосан олтин, кимёвий моддалар, минерал ёқилғилар киради. Лекин, 2024 йилда ўзаро савдонинг кенгайиши натижасида текстиль ва хўжалик маҳсулотлари экспорти ҳам амалга оширилган.

Бу ҳолатда, тарифларнинг (10 фоиз) Ўзбекистонга тўғридан-тўғри таъсири жуда ҳам кам. Сабаби:

биринчидан, Ўзбекистоннинг экспортида АҚШ йирик савдо ҳамкор ҳисобланмайди;

иккинчидан, жорий қилинган божлар экспорт товарларининг асосий қисмига таъсир қилмайди.

Лекин, АҚШнинг асосий рақобатчиси бўлган Хитой билан юзага келиши мумкин бўлган вазият Ўзбекистон молиявий хавфсизлигига бошқа спектр остидан қараш ҳамда ўзгаришлар оқимини олдиндан бошқариш зарурлигини кўрсатади.

Жумладан, 2024 йилда бу икки иқтисодий гигантлар ўртасидаги ташқи савдо айланмаси ҳажми 650 млрд АҚШ долларини[2] ташкил этган бўлиб, 125-145 фоиз миқдоридаги савдо тарифлари[3] ушбу айланма миқдорини катта қисмини йўқолишига олиб келади. Натижада, нафақат АҚШ ва Хитой иқтисодиёти, балки уларга боғлиқ бўлган глобал савдо занжири иштирокчилари ҳам салбий таъсирни зудлик билан сезишади.

Тариф ставкаларининг бир томонлама ўзгартирилиши АҚШнинг Жаҳон савдо ташкилоти аъзо сифатида унинг талабларини бузиш каби хатти-ҳаракатларни амалга оширгани ва бу орқали ташкилотнинг кучсизланганлигини кўрсатувчи омил бўлмоқда.

Хусусан, Марказий Осиё давлатлари Хитойдан АҚШга етказиб берилувчи товарлар учун бутловчи ва хом-ашё товарларини етказиб бериш билан шуғулланган бўлса, эндиликда бу товарлар айланмаси хавф остига келиб қолган.

Goldman Sachs таҳлилларига кўра, АҚШда рецессия юз бериш эҳтимоли тариф урушлари натижасида 45 фоизгача ортган[4]. Хитойнинг АҚШдан нефть маҳсулотлари импортини икки баробаргача қисқариши натижасида юан сўнгги 19 ойдаги энг паст натижани кўрсатмоқда[5].

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётда кузатиладиган пасайиш ва ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши иқтисодий тил билан изоҳлаганда рецессия деб аталади. Дунёнинг энг нуфузли илмий марказлари томонидан АҚШда рецессиянинг юзага келиш эҳтимолини

[2] Интернет маълумотлари: https://tass.ru/ekonomika/22861821
[3] Интернет маълумотлари: https://www.bbc.com/russian/articles/cgrgg9d5047o
[4] Интернет маълумотлари: https://www.vedomosti.ru/economics/news/2025/04/07/1102790-goldman-sachs
[5] Интернет маълумотлари: https://www.interfax.ru/business/1021537

инқироз даражасида баҳоланиши табиийки бошқа давлат иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлиги корреляцияси асосида пасайишини тахмин қилишга етарли асос ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Хитойнинг АҚШдан импорти ва экспорти орасидаги профицити 295 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, бож тарифлари фонида Пекин маъмурияти ушбу товарлар экспорти учун бошқа давлатларни танлайди. Бунда биринчи ўринда Марказий Осиё давлатлари турганлигини тахмин қилиш мумкин.

Шунингдек, Хитой мис ва литий каби нодир металларни қайта ишлаш маркази ҳисобланади. АҚШнинг Хитойга экспорти ҳажмида авиация ва двигателлар (8 фоиз) ва интеграл микрочиплар(4 фоиз) катта миқдорни ташкил этиб, уларнинг хом-ашёси кунчиқар мамлакатга боғлиқ. Бошқа турдаги товарларнинг ҳам нархи хом-ашёлари киритилган бож тарифлари натижасида ортиши табиий. Натижада, АҚШ ўз ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қайта молиялаш ставкасини пасайтириш орқали уларга паст ставкали қўшимча кредитлар ажратиши мумкин. Бу эса, дунёда АҚШ доллари курсининг пасайиши ва инфляциянинг ортишига олиб келади.

Бу ҳолатни Хитой билан ҳам кузатиш мумкин. Хитой экспорти дунёда қолган давлатларнинг экспорт ҳажмидан ҳам ортиқроқ бўлиб, бунга давлат томонидан кўрсатилаётган паст фоизли кредитлар ва субсидиялар орқали эришилган. Жумладан, пўлат ишлаб чиқариш бўйича етакчи бўлган ушбу давлатнинг асосий импортёри қўллаётган божлар Хитойнинг бошқа давлатларга “демпинг”ини юзага келтириши табиий.

Тадқиқотчилар дунёдаги иқтисодий турбулентлик фонида барча давлатлар иқтисодиётига юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни баҳолаб чиқишмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам халқаро иқтисодиётнинг ривожланаётган аъзоси сифатида бир қатор таҳликали ўзгаришлар бўлишини прогноз қилиш мумкин. Таҳлиллар мамлакатга қуйидаги таҳдидлар мавжудлигини кўрсатмоқда:

- мамлакатнинг савдо ҳамкорларида кузатиладиган иқтисодий ўзгаришлар натижасида экспортдан келадиган даромад пасайиши, пул ўтказмаларининг ҳажми ва хом-ашёга бўлган талабнинг пасайиши пул ва фискал мувозанат бузилишига олиб келиши;

- Хитойнинг товарлар экспорти маршрути айнан ушбу давлатларга қаратилиши, ички ишлаб чиқарувчиларни синдирувчи арзон товарлар оқимининг ортишига олиб келиши;

- бу давлатларнинг экспортини аксарият қисмини ташкил этувчи хом-ашё товарларига бўлган талабнинг пасайиб кетиши;

- Хитой билан инвестиция ва савдо ҳамкорлик ортиши ортидан ташқи қарз юкининг ортиши;

- Хитой билан ҳамкорликни чегаралаш бўйича минтақага АҚШнинг босими ортиши;

- капиталнинг чиқиб кетиши ва бизнес муҳитида юзага келадиган мавҳумликлар.

Ушбу таҳдидлар мамлакат иқтисодиётининг асосий драйверлари ҳисобланган текстиль, қишлоқ хўжалиги, нефть, газ хом-ашёси ва энергия ресурслари экспортидан тушадиган солиқлар ҳажмини камайишига олиб келади. Бу ўринда, Ўзбекистоннинг текстиль ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинадиган контрагентларига Хитойдан кириб келувчи арзон товарларнинг оқими жаҳон бозоридаги рақобатбардошликни таъминлаш учун давлатнинг субсидия ва бошқа усуллар билан таннархни камайтириш бўйича мажбуриятларини ортишига олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, солиқ тушумларининг камайиши ортидан 2025 йилда бюджетдаги дефицитни ЯИМнинг 3 фоизигача қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлиги пасайиши мумкин.

Хулоса

Давлатнинг иқтисодий-сиёсий фаровонлигига юзага келаётган таҳдидларни секьюритизация қилиниши яъни таҳдид сифатида ҳукумат даражасида тан олиниши унга қарши курашиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш орқали бартараф этишни назарда тутади. Бу ҳолатда иқтисодий ўзгаришларни аниқ прогноз қилиш мумкин бўлмасада, лекин катта эҳтимол билан юз бериши мумкин бўлган жараёнлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жумладан, Хитой ва Европа иқтисодиётига тарифларнинг салбий таъсирини олдини олиш борасида контрагентлар томонидан қўлланиладиган чора-тадбирлардан Ўзбекистон учун қуйидаги янги имкониятлар пайдо бўлиши ва улардан мақсадли фойдаланиш мумкин бўлади:

- Хитой ва Европа давлатлари ўртасида “Бир макон-бир йўл” лойиҳаси бўйича асосий транзит коридорига айланиш;

- Хитой ва Европанинг инвестицияларини ишлаб чиқариш, қурилиш ва энергетика соҳасига жалб қилиш;

- мамлакат инвестицион жозибадорлигини ошириш орқали янги саноат хабига айланиш;

- барча державалар билан бир хилда ташқи сиёсат юритиш орқали суверенитетни мустаҳкамлаш;

- савдо коридорлари ва савдо валюталарини муқобилларини йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Балабанов И. Т. Внешнеэкономические связи: учебное пособие. М., 2008.
2. Scott Nevil. What Is a Tariff and Why Are They Important? / Internet resources: https://www.investopedia.com/terms/t/tariff.asp
3. Evelyn Waugh. What Is Financial Security and How Do You Achieve It? / Internet resources: https://www.experian.com/blogs/ask-experian/what-is-financial-security/
4. Волкова Е. С. Состояние и динамика внешней торговли России в 2013 году // Таможенное обозрение 2014. № 1. С. 16-27.